

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль кун ШХТга аъзо давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари кенгаши тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, Ташқи ишлар вазири Ван И бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликини кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак Самарқанд саммити кун тартиби кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Хитой Ташқи ишлар вазири давлатимиз раҳбарига ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг салом ва энг эзгу тилақларини етказди. Хитой томони тобора юқори суръат билан ривожланаётган икки томонлама муносабатларнинг бугунги даражасини юқсак баҳолаётгани қайд этилди. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўлиқ қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Айтиш жоизки, Хитой аънавий равишда мамлакатимизнинг етакчи ва ишончли ҳамкорларидан биридир. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 35 фоизга ошди. Йил якунида товар айирбошлаш кўрсаткичлари 10 миллиард долларга яқинлашиши кутилмоқда.

Хитой компаниялари ва банк институтилари иштирокида саноат кооперацияси ва инфра-тузилмани модернизация қилиш бўйича қатор йирик инвес-

тиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимиз етакчиси ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, камбағалликка қарши курашиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини экспорт қилиш, инновацияларни жорий этиш, муқобил энергетика, "булутли" технологиялар, IT каби ва бошқа йўналишларда тубдан кенгайтириш учун имкониятлар мавжудлигини алоҳида қайд этди.

Гуманитар, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш, вакциналар ишлаб чиқариш ва ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларини ташкил этиш борасидаги алмашинув дастурини илгари суришга муҳим эътибор қаратилди.

Стратегик минтақавий лойиҳаларни, энг аввало, "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" ва "Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар" темир йўллари лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида кўриб чиқилди.

Учрашувда Афғонистоннинг тинч тараққиёти ва иқтисодий тикланишига амалий кўмаклашиш борасидаги ўзаро саъй-ҳаракатлар қўллаб-қувватланди. Хитой делегацияси кун кеча шу масалаларга бағишлаб ўтказилган Тошкент конференциясининг самарали натижаларини юқори баҳолади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ТАШҚИ СИЁСИЙ ИДОРАСИ РАҲБАРINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль кун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг пойтахтимиздаги йиғилиши тадбирларида иштирок этаётган Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Сергей Лавров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Сўхбатда Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари кун тартибидеги долзарб масалалар батафсил кўриб чиқилди.

Минтақадаги вазиятга ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик жиҳатларига, шу жумладан, ШХТ саммитига тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида Ташқи ишлар вазири Ўзбекистон етакчисига Россия Президенти

Владимир Путиннинг салом ва самимий тилақларини етказди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор юқори суръат билан ортиб бормоқда. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш 32 фоизга ошди. Қўшма Лойиҳа офисининг фаолияти доирасида қарийб 40 та йи-

рик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинув йўналишида самарали ишлар олиб борилмоқда. Кейинги бир неча йилда Ўзбекистонда Россиянинг 12 та етакчи олий таълим муассасасининг фаолияти йўлга қўйилди.

Минтақавий, шу жумладан, "Марказий Осиё — Россия" форматидаги ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Афғонистондаги вазиятнинг тинчлик йўли билан ҳал этилишига ва ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига кўмакни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль кун амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия Ички ишлар вазири Сулаймон Сойлуни қабул қилди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида вазир Сулаймон Сойлу давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг салом ва энг эзгу тилақларини етказди.

Туркия томони саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида тизимли идоралараро шерикликни йўлга қўйишга тайёр экани қайд этилди.

Сўхбатда фаол мулоқотларни, ахборот алмашишни ва илғор тажрибани ўрганишни давом эттириш, уюшган, шу жумладан, кибермақондаги жиноятчилик, терроризм, диний экстремизм, наркотрафик ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Олий Мажлис Сенатининг йиғирма саккизинчи япши мажлисида "Солиқ ва божхона қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди.



Қонун ижодкорлиги

Янги қонунда белгиланган солиқ имтиёзлари

Тадбиркорлар учун хизматлар соҳаси, капитал бозори ва тиббиёт соҳаларини ривожлантиришда кенг имкониятлар яратади

Айтиш керакки, Президентимизнинг ташаббуси билан сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларни, шу жумладан, солиқ-божхона қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар қатъият билан амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ушбу ислохотлар самараси ўлароқ жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини тубдан кенгайтириш ва ривожлантириш учун кенг қўламли шароит ҳамда имкониятлар яратилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга жорий этилмоқда. Зеро, давлатнинг иқтисодий қудрати, аҳоли фаровонлиги тадбиркорлик соҳаси ривожига бевосита боғлиқдир. Шу маънода ушбу субъектларнинг эркин фаолият кўрсатишини таъминлаш, ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда одил судлов фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади. Қуйидаги мисоллар ана шу ҳақида.

Қонун кўмаги

Тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари — суд ҳимоясида



Бухоро шаҳрида жойлашган "Stroy dom lyuks" масъулияти чекланган жамияти судга қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Бухоро шаҳар Давлат

солиқ инспекцияси томонидан қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда ундирилган 177.947.572,26 сўмни ўз ҳисобига қайтариб беришни сўраган.

(Давоми 2-бетда) ►

Хабар


Бизнинг маълумот



Жорий йилнинг биринчи ярмида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 311,1 миллиард сўмдан зиёд мажбурий тўловлар (вояга етмаган болалар учун алимент, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган талаблар, коммунал хизматлар бўйича қарздорлик тўловлари ва бошқалар)ни ундириш ҳақида 111 427 та суд буйруғи чиқарилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Парламент фаолияти



Қонунчиликдаги янгилликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама этилди.

Электрон рақамли имзо калитларини бериш жараёни соддалаштирилади

Мажлисида дастлаб электрон рақамли имзо калитлари олишни осонлаштириш, ундан фойдаланишни янада соддалаштириш, сарф-харажатларни камайтиришга қаратилган "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасида белгиланаётган нормалар электрон рақамли имзодан фойдаланишда юзага келадиган тўсиқларнинг олдини олиш, жамиятда электрон рақамли имзонинг ҳуқуқий аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, электрон рақамли имзо калитларини бериш жараёни соддалаштирилади ва тезлаштирилади. Бу электрон давлат хизматларини тақдим этиш имкониятларини янада оширади.

(Давоми 2-бетда) ►

Мезон

Янгиланаётган Конституцияга таяниб, янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз



Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига изчиллик билан жорий этилаётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига асосий эътибор, бир томондан, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир қонунлар, кодекслар, концепция ва дастурлар қабул қилинишига қаратилган. Иккинчи томондан, унда қонун устуворлигини таъминлаш, конституциявий ислохотни ҳаётга изчил татбиқ этиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, маънавиятни ривожлантириш, шунингдек, глобал муаммоларга Ўзбекистоннинг муносабати, хавфсизлик ва ташқи сиёсат борасидаги муҳим вазифалар қамраб олинган.

(Давоми 3-бетда) ►

Парламент фаолияти


Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, фойдаланувчиларга доимий равишда ўзи билан маълумот ташувчи курилмаларни (флешка) олиб юришга ҳожат қолмайди. Бу эса, ўз навбатида, рўйхатга олиш марказлари учун сарф-харажатларни тежаш имконини беради. Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси қайтарилди

Мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда муҳокама этилди.




дараклар ва буталарнинг қимматбахо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилишга олиб келадиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққанлик учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида ўсимлик ва ниҳолларни қонунга ҳилоф равишда кесганлик, кундаков қилганлик, шикастлантирганлик, йўқ қилганлик ёки бошқа жойга кўчириб ўтказганлик учун жавобгарликни кучайтириш, шунингдек,

Мажлисида лойиҳадаги айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш зарурати борлиги қайд этилди. Билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳаси масъул кўмитага қайтарилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда

Мажлисида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.



Айтиш керакки, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ амалга оширишга имкон беради.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ амалга оширишга имкон беради.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича асосий принциплар белгиланмоқда

Биринчи ўқишда кўриб чиқилган "Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси 5 та боб, 32 та моддадан иборат. Ушбу ҳужжат билан манфаатлар тўқнашуви тушунчаси, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ҳамда уни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилмоқда.

хисобланадиган юридик шахс ушбу ходимларга алоқадор шахс ҳисобланиши, давлат ташкилоти фаолиятида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда ваколатли органлар, яъни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, давлат ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар бўлиналари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг вазифалари белгиланмоқда.

Янги қонун лойиҳасида давлат ташкилоти ходими ёки унинг яқин қариндоши акциядори, муассиси (иштирокчиси), бошқарув органи аъзоси

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражаси янада ортади

Биринчи ўқишда муҳокама этилган "Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасига асосан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал кодексларга, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги, "Давлат божи тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Суд ана шу асосларга таянган ҳолда солиқ идораси томонидан тадбиркорлик субъектларининг бузилган қонуний манфаатларини тиклади. Суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ ноқонуний ундириб олинган

Янги қонун лойиҳасида маъмурий суд ишларини юритишнинг "суднинг фаол иштироки" тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этиши белгиланмоқда.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан ариза талаби қаноатлантирилиб, корхонага нисбатан жарима

Шунингдек, маъмурий судларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорларни давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималарини қўллаш, тақдоран ижро қилинмаганлиги учун дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш назарда тутилмоқда.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан ариза талаби қаноатлантирилиб, корхонага нисбатан жарима

Қонун лойиҳасида суд тизимида "Ягона дарча" тамойилини кенг жорий этиш, жумладан, судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмагани сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатишни таққиллаш, бунда даъво аризаси, ариза, шикоят ёки ишни уларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш белгиланмоқда.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан ариза талаби қаноатлантирилиб, корхонага нисбатан жарима

Ушбу қонун лойиҳаси давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтиришга, маъмурий судларни ҳақиқий халқ судига айлантиришга қаратилган.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан ариза талаби қаноатлантирилиб, корхонага нисбатан жарима

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Парламент Ахборот Маркази

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, 294 189 та фуқаролик иши кўриб чиқилиб, 228 134 таси бўйича талаблар қаноатлантирилган бўлса, 21 681 таси бўйича талабларни қаноатлантиришдан рад қилинган, 40 666 таси бўйича даъволар кўрмасдан қолдирилган, 3 708 таси бўйича ишни юритиш тугатилган.

Кўриб тамоқланган фуқаролик ишлардан 169 428 таси битимлар, 29 742 таси никоқдан ажратиш, 10 596 таси уй-жой муносабатлари билан боғлиқ, 4 364 таси ўзбошимчилик билан қурилган уй-жой ёки қурилмани бузиш, 1 749 таси оталиқни белгилаш ва бошқа тоифадаги ишларни ташкил қилади.

Никоқдан ажратишга оид ишлар тахлилига кўра, уларнинг 15 830 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган (никоқлар бекор қилинган), 10 420 таси бўйича даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган (никоқлар бекор қилинмаган), 2 311 таси кўрмасдан қолдирилган ҳамда 1 181 та даъво бўйича иш юритиш тугатилган.

99 629 та фуқаролик иши сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилиб, аҳоли билан 4 170 та учрашув ва очиқ мулоқот ўтказилди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатлари томонидан апелляция тартибиде 6 982 та фуқаролик иши кўриб чиқилди. Қуйи судлар томонидан чиқарилган 1 087 та қарор бекор қилиниб, 509 та суд қаро-

Хабар

Бизнинг маълумот



ри ўзгартирилди.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 1 676 та фуқаролик иши кўриб чиқилди. Қуйи судлар томонидан чиқарилган 213 та қарор бекор қилиниб, 76 та суд қарори ўзгартирилди.

Шунингдек, кассация инстанциясида 25 та фуқаролик иши тақдоран кўриб чиқилди. 19 та қарор бекор қилиниб, 2 та қарор ўзгартирилди.

2022 йилнинг биринчи ярмида маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 7 704 та иш кўриб чиқилди. Бунинг натижасида 3 755 нафар фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Хисобот даврида маъму-

рий органлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, улар мансабдор шахсларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги 4 716 та иш кўриб чиқилди. Хусусан, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ кўриб тамоқланган ишлар сони 2 641 тани ташкил қилиб, шундан жисмоний ва юридик шахсларнинг 1 008 та аризаси қаноатлантирилган.

Маъмурий судлар томонидан 1 959 та иш, яъни барча ишларнинг 25,4 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар томонидан апелляция тартибида 1 882 та иш кўриб чиқилди. Қуйи судлар чиқарган 278 та қарор бекор қилиниб, 33 та қарор ўзгартирилди.

Қонун кўмаги

Тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари – суд ҳимоясида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ишдаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, солиқ идораси корхонанинг 2019 йил ноябрь ойи давридаги фаолиятини ўрганиб чиқиб, унга нисбатан қўшимча солиқ ҳисобланган ва уни ундириб олган. Ҳолбуки, 2020 йил 1 январга қадар амалда бўлган Солиқ кодексининг 70-моддаси еттинчи қисми талабига мувофиқ ушбу низо суд орқали ҳал этилиши лозим эди. Бироқ солиқ идораси ўрганиш пайтида амалда бўлган қонун талабига зид равишда корхона ҳисоб рақамидан 177.947.572,26 сўмни асоссиз равишда ундириб олган.

Бундан ташқари 2020 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ кодексининг 4-моддасига кўра, солиқ солиш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан сўнг юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Суд ана шу асосларга таянган ҳолда солиқ идораси томонидан тадбиркорлик субъектларининг бузилган қонуний манфаатларини тиклади. Суднинг ҳал қилув қарорига мувофиқ ноқонуний ундириб олинган



маблағ корхонанинг ҳисоб рақамига қайтарилди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги қарори билан тасдиқланган "Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан "NEW ASIA TRAVEL" масъулияти чекланган жамиятига 523.846.000 сўм миқдорда молиявий жарима қўлланилиши сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан ариза талаби қаноатлантирилиб, корхонага нисбатан жарима

қўлланилган. Бироқ бундан норози бўлган корхона апелляция шикояти билан мурожаат қилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, амалдаги Солиқ кодексининг 4-моддаси учинчи қисмига кўра, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган қонун ҳужжатлари ортага қайтиш кучига эга.

2021 йил 21 апрелдаги "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 май ҳолатида шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган деби-

тор қарздорлик учун ҳўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилган. Дебитор қарздорлик вужудга келиш мuddатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисобланиши белгиланган.

Ушбу қарорга асосан корхонанинг импорт шартномаси бўйича вужудга келган 500 минг АҚШ доллар миқдоридеги мuddати ўтган дебитор қарздорлиги 2021 йил 1 май ҳолатига қадар шакллангани учун ушбу дебитор қарздорлик вужудга келиш мuddатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисобланиши зарур. Бу қарздорликнинг мuddати ўтмаганидан далолат берса-да, солиқ идораси ва биринчи босқич суди уни инобатга олмаган. Шу сабабли апелляция инстанцияси суди биринчи босқич суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, солиқ органининг аризасини қаноатлантиришни рад этди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини судларда ишончли ҳимоя қилиш одил судловга бўлган ишончли мустақамлаш баробарида мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга катта ҳисса қўшади. Зеро, тадбиркорлар жамят тараққийини таъминловчи катта кучдир.

Илхом ЮЛДАШЕВ,
Бухоро вилояти суди судьяси

Қилмиш-қидирмиш

Миси чиққан

нинг савдо қилаётгани унга жуда қўл келади. М.Тошмирзаев дўкондан хар бирининг нархи 81.500 сўм бўлган 4 та 5 литр ҳажмли кунгабоқар ва пахта ёғи харид қилади. Сўнг миллий валютада пули йўқ эканини айтиб, Ихтиёрга қалбаки валютани беради. Бунни кўриб, И.Ваҳобов ўйланиб қолади.

ўғли ҳалиги 50 АҚШ долларини беради. Ф.Йўлдошев хорижий валютани кўздан кечиргач, қалбаки эканини дарров сезади. Шундан сўнг вақтнинг бой бермай ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

Уша кун тушдан сўнг Ф.Йўлдошев уйига қайтиб келгач,

Жабранувчиларнинг мурожаатига биноан фарибгар тез орада қўлга олинди ва жиноят иши кўзгатилди. Яқинда ушбу қилмиш жиноят ишлари бўйича Бешарқи тумани судида кўриб чиқилди. Тўғри, суд мажлисига қадар судланувчи жабранувчиларга етказган моддий зарарини тўлиқ қоплади. Бироқ моддий зарарнинг қопланганлиги жиноятчининг жазодан озод этмайди.

Мезон



Янгилаётган Конституцияга таяниб, янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси" китоби ва "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони асосида қарийб 90 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши назарда тутилган. Хусусан, 17 та концепция, 8 та дастур, 15 та стратегия, 12 та кодекс ва 36 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари аллақачон бошлаб юборилди.

Ушбу ҳужжатлар миқдорининг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги мамлакатимизни кейинги беш йилда ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши бўйича тақсимланган ҳолати жорий демократик ислохотлар кўлами ва миқёси билан боғлиқ асл воқеликка янада аниқлик киритади, деб ўйлаймиз.

Бунда, муҳими, нечоғлик халқпарвар ва инсонпарвар, халқчил ва эркин, ижтимоий ва маънавий, ҳуқуқий ва адолатли, хавфсиз ва барқарор, бахтли ва, фаровон, миллий ва умумбашарий давлат барпо этишдек қатъий ниятимиз ўзининг бор бўй-басти билан намоён бўлиши тайин.

Биринчи устувор йўналиш — инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш. Бу борада 3 та концепция, 1 та миллий дастур, 2 та кодекс ва 13 та қонун ишлаб чиқилади ҳамда қабул қилинади.

Иккинчи устувор йўналиш — мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш: 3 та концепция, 2 та кодекс ва 10 та қонун.

Учинчи устувор йўналиш — миллий иқтисодиётнинг жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш: 9 та стратегия, 9 та концепция, 3 та кодекс ва 7 та қонун.

Тўртинчи устувор йўналиш — адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш: 2 та стратегия, 2 та концепция, 2 та дастур, 4 та кодекс ва 1 та қонун.

Бешинчи устувор йўналиш — маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш: 1 та концепция, 3 та миллий ва махсус дастурлар, 1 та қонун.

Олтинчи устувор йўналиш — миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш: 2 та стратегия ва 1 та қонун.

Еттинчи устувор йўналиш — мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш: 2 та стратегия, 2 та

(кўшма ва минтақавий) дастур, 1 та кодекс ва 4 та қонун.

Бу жуда муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, амалда татбиқ этиш, ўз навбатида, миллий қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётда "шахс — жамият — давлат" тамойилини мустақамлашни талаб этади. Зеро, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида йиллар давомида амал қилиб келган "давлат — жамият — инсон" тамойили "инсон — жамият — давлат" тамойилига ўзгартирилмоқда.

Шу муносабат билан ҳозирги кунда — Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида олдимизда турган долзарб ва мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда мамлакатимиз парламентида қонун ижодкорлиги соҳасида бутунлай янги иш тизими йўлга қўйилган. Бу борада, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ҳолис бахс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам демократия мактабига айланмоқда.

Бунда "Қонуннинг ягона манбаи ва яратувчиси — халқдир", деган эзгу ғояни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, Янги Ўзбекистон давлати — халқники. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадриятлари, қонуний эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Янги Ўзбекистон кучли парламентаризм институти амалда бўлган ва "Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиш керак" тамойили амалга оширилаётган давлатдир. Мамлакатимизда қонунлар инсонлар ва жамият ҳаётини яхшилаш, қонун ижодкорлиги си-

фатини тубдан ошириш, қонунчиликни тизимлаштириш ва қонунчиликни қонуности ҳужжатлар сонини кескин камайтириш ва "ақлли тартибга солиш" модели элементларини жорий этиш учун қабул қилинмоқда.

Миллий қонун ижодкорлиги соҳасида сўнги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Тараққиёт стратегияси доирасида конституциявий ислохот ғоясининг туғилиши, ривожланиши ва амалга оширилиши жараёнлари алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда конституциявий ислохотнинг бош ғоявий илҳомлантирувчиси, шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев, асосий ташаббускори мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламидир. Давлат раҳбари бутун халқимизни ана шу буюқ мақсадга эришишда ўзаро бирдамликка ва ҳамжихатликка чақирди: "Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгилаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта, биргаликда барпо этамиз".

Мамлакатимиз Конституциясини жамиятдаги бугунги реал воқеликка мослаштиришни, аслида, изчил ислохотлар тақозо этди. Бинобарин, атоқли француз сиёсатчиси ва давлат арбоби Шарль Андре де Голл таъбири билан айтганда, "Конституция бемалол ўзгартирилиши мумкин. Уни мўймидек қотириб қўйиш керак эмас".

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида илгари сурилаётган кенг кўламли вазифалар, хусусан, адолатли ва халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъ-

минлаш каби улуғвор мақсадлар бу борада зарур ҳуқуқий асосни таъминловчи конституциявий маконни янада такомиллаштириш эҳтиёжини кун тартибига қўйди.

Шу асосда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди. Конституциявий комиссия бугунги кунда фаол ишламоқда.

Парламентлараро Иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгонг бу ҳақда шундай дейди: "Конституция — халқ учун ёзилади. Мамлакатингизда бўлиб ўтаётган умумхалқ муҳокама ва келиб тушаётган кўрсонли таклифларнинг эътибор билан ҳисобга олинishi натижасида халқро ошдирилган, энг муҳими, Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродаси ва орзу-истакларига тўлиқ мос келадиган Конституциявий қонун лойиҳаси шакллантирилиши тайин. Парламентлараро Иттифоқ Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатда амалга оширилаётган конституциявий ислохот жараёнларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Биз бу борада ҳар қандай техник қўмак кўрсатишга ҳамisha тайёрмиз".

Мухтасар айтганда, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳими, бугунги кунда Ўзбекистоннинг изчил ривожланаётгани ва шу боис жаҳонда нуфуз ўсиб бораётгани — бу мамлакатда демократик ва бозор ислохотларини амалга ошириш, ушбу шиддатли янгилишларнинг мустақам ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган замонавий қонун ижодкорлиги борасида эришилаётган ютуқлар туфайлидир.

Бу мустақил тараққиёт йўлининг моҳияти:

биринчидан, жамиятнинг ўзига хос тарихий шарт-шароитлари, унинг миллий, диний ва маданий хусусиятлари пухтали билан ҳисобга олинганида; **иккинчидан**, иқтисодий ривожланиш ҳамда тараққиётнинг аънавий ахлоқий ва маданий қадриятлари билан уйғунлигида;

учинчидан, соғлом фикрнинг таърибага асосланмаган назариялардан устунлигида;

тўртинчидан, мафуралашган концепциялар устидан ватанпарварлик, прагматизм ва ижодий амалиётнинг устунлигида яққол намоён бўлмоқда.

Ақмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари

Қонун ижодкорлиги

Янги қонунда белгиланган солиқ имтиёзлари

тадбиркорлар учун хизматлар соҳаси, капитал бозори ва тиббиёт соҳаларини ривожлантиришда кенг имкониятлар яратади



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аммо бунга қарамай аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар беришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу маънода янги қонун билан "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун, Солиқ кодекси ҳамда Божхона кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали айрим имтиёзларни бериш назарда тутилмоқда. Жумладан:

- **мобиль алоқа** хизматлари учун **акциз солиғи** ставкаси 15 фоиздан 10 фоизга туширилмоқда;

- қишлоқ жойларида ўрна-тилган **антенна-мачта иншоотлари** ва улар эгаллаган **ер майдони мулк ва ер солиғидан озод қилинмоқда;**

- фарзандларига **нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари** ва **мактаблар** қўрсатилган таълимга оид **хизматлар учун ота-оналар** ёки фарзандликка олувчилар томонидан тўланадиган ойига **3 миллион сўмгача бўлган тўловлар даромад солиғидан озод этилмоқда;**

- **талабаларнинг олий таълим муассасалари ҳудудида** ташкил этган пуллиқ **ўқув курслари, спорт тўғараклари** ва **бошқа таълим хизматлари** **кўрсатишдан олган даромадлари**, шунингдек, **нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари** ва **мактаблар**, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этилган **нодавлат мактабгача таълим қонунчиликида белгиланган нормалар доирасида ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг** истеъдодли ва иқтидорли **фарзандларини**, хусусан, махсус контингентдаги тарбияланувчиларнинг муайян **бепул ўқитиш** билан боғлиқ **ҳаражатлари** жами даромадлар таркибига киритилмаслиги белгиланмоқда;

- белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича **тиббиёт асбоб-ускуналари** ва **буюмларининг** эҳтиёт қисмлари ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлаш материаллари импорти **қўшилган қиймат солиғидан озод қилинмоқда;**

- маҳаллалараро савдо-хизмат кўрсатиш кўчалари бўйлаб жойлашган, уй-жой учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари айрим хизматлар турларини кўрсатиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк тоифасига ўтказилган тақдирда, жисмоний шахслар мол-мулк ва ер солиғини уй-жойга мўлжалланган кўчмас мулк объектлари, шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкалари учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича тўлаш белгиланмоқда;

- чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона, автотранспортда йўловчи ва юк ташини, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари, маиший техникани таъмирлаш ҳамда қўнгилочар марказларда хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун **ижтимоий солиқнинг кам фоизлиқ ставкаси** қўлланилмоқда;

- **божхона божлари бўйича имтиёзлар** фақат Божхона кодекси ва бошқа қонунларга асосан берилиши, шунингдек, айрим солиқ ва божхона имтиёзлари бекор қилиниши белгиланмоқда.

Мазкур қонунни ишлаб чиқиш жараёнида халқро таъриба батафсил ўрганиб чиқилди ҳамда миллий қонунчилигимизга мос келадиган нормалар инobatта олинди.

Шундай қилиб, **янги қонуннинг қабул қилиниши биринчидан**, хизматлар соҳаси, капитал бозори ва тиббиёт соҳаларини ривожлантириш ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига вақтинчалик солиқ имтиёзлари берилишига ва бу ўз навбатида, уларнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратади;

иккинчидан, қонун солиқ-божхона тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилади.

Шухрат Чўллийев,
Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари


Қинғирлик

ёхуд фош этилган қўшалоқ жиноят

Шу боис Мирфозил Тошмирзаев Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди (кўп миқдорда фирибгарлик) ва 176-моддаси 2-қисми "а" банди (тақдоран ёки хавфли рецидивист томонидан қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш) билан айбдор деб топилди, озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 15-моддасида қайд этилишича, жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади. Лекин жамият тараққиёти учун жиноятнинг катта-кичиги бўлмайд.

Бундан ташқари Олий Суд Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги "Жиноят сабаблари ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўй-



йича судлар родини ошириш тўғрисидаги қарори 7-бандига асосан судлар жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни барта-раф этиш чораларини кўришга доир қонун талабини бажаришда иш бўйича аниқланган ва жиноят содир этилишига олиб келган муайян ҳолатларни хусусий ажримда кўрсатиши лозим. Хусусий ажримда аниқланган камчи-

лик ва хатоликлар моҳияти баён этилади, шунингдек, улар билан содир этилган жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик уртасидаги сабабий боғланиш кўрсатилади ва уларни барта-раф этиш зарур чоралар кўриш тавсия этилади. Бинобарин, суд томонидан келгусида баён этилган камчиликларни янада кучайтириш мақсадида хусусий ажрим чиқарилиб, судланувчи истиқомат қилган Қўқон шаҳри "Исфара Гузар" маҳалла фуқаролар йиғинига юборилди. Бу ҳам-юртларимизни фирибгарларнинг ҳийла-ю найрангларидан яна бир бор огоҳлантириш ҳам демакдир.

Нодиржон САЛОМОВ,
жиноят ишлари бўйича Бешариқ тумани суди судьяси

Жиноят ва жазо



ёхуд мол-мулк можароси оқибати

Бу ёруғ дунёда одамларни бир-бири билан боғлаб турадиган ристалар жуда кўп. Улардан бири қон-қардошликдир. Бир оилада униб-ўсган ака-ука, опа-сингиллар бутун ҳаёт давомида бир-бирига ёрдам бериши, қўллаб-қувватлаши айна ҳақиқат. Бироқ орасида бўлса-га, бу ҳаёт ҳақиқатида қарши борадиганлар ҳам учраб туради. Бундайларни қандай қисмат қутушини куйидаги воқеа тафсилотидан билиб олиш мумкин.

Тақдир тақозоси билан боғотлик Кенжабой Мамиевнинг 12 йиллик ҳаёти олис Америкада кечади. Шунда у энди-гина мактаб ёшига етган фарзанди Алишер учун алоҳида уй сотиб олишни режалаштиради. Бу ниятини акаси Комилжон Мамиевга айтганда,

(Давоми 4-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ НЕЧТА СУРАТИ БОР?

Темурийлар сулоласининг ёрқин намойишларидан бири Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида илм-фан, адабиёт, маданият, меъморчилик юксак даражада тараққий этган. Самарқанд, Бухоро ва Гиждувон шаҳарларида барпо этилган мадрасаларни дунёнинг илк университетларига тенглаштириш мумкин, Улуғбек расадхонаси эса, Шарқдаги энг йирик илмий муассасаларидан бирига айланган. Қолаверса, Мирзо Улуғбек давлат бошқарувида ташқари талабаларга сабоқ берган, осмон жисмларини кузатган, муҳим тарихий ва адабий асарлар яратган кам сонли иқтидорли ҳукмдорлардан бирidir.



нинг "Кўзгалмас юлдузлар тасвири китоби" асарига кўп бор мурожаат қилган. Асар "Зижи жадиди Кўрагоний" жадвали учун асос бўлиб хизмат қилган. У Самарқандда икки марта кўчиртирилган. Айни пайтда ушбу кўлэзма Франциядаги Париж кутубхонасида сақланмоқда. Гарчи кўлэзмада аниқ сана кўрсатилмаган бўлса-да, уни 1429-1437 йиллар оралиғида ёзилган, деб тахмин қилиш мумкин.

пайтда Вашингтон (АҚШ)даги Фрир галереясида сақланмоқда. Сурат тепа-сида араб тилида "Энг буюк султон Улуғбек Кўрагон. Аллоҳ унинг салтанатини абадий қилсин" деган битик битилган. Суратда ҳукмдор табиат кўйи-нда, оқ рангли қайқисмон бош кийи-мида, мовий чакмон ва яшил яктақда, оқ рангли нақшинкор соябон остида, кўрпача устида ўтирган ҳолатда тас-вирланган.

Китоб 247 саҳифадан иборат. Унга Туркиядаги машҳур Усмонийлар кутуб-хонасида махсус муқова тикилган. Ча-маси, Мирзо Улуғбекнинг энг иқтидорли шогирди Али Қушчи Истанбулга олиб келган китоблар орасида ушбу кўлэзма ҳам бўлган. Ушбу кўлэзмада юлдуз туркумлари инсонлар ва жонзот-ларнинг тасвирлари ёрдамида акс эт-тирилган. Кўлэзмада 78 та миниатюра ўрин олган. Асарнинг 38-саҳифасида "Қайқовус" юлдуз туркуми учун чизил-ган сурат айнан Мирзо Улуғбекнинг юз тузилишига ўхшаб кетади. Маълумки, сарой кўлэзмаларидаги миниатюра-ларда шохлик рутбаси соҳибий юз чи-зигиларидан кудратли қаҳрамонни акс эттиришда фойдаланиш урф бўлган. Шу боис мусаввир Мирзо Улуғбек тас-вирини чизган. Унда ҳукмдор бошида соябонли оқ қулоқ кийган ҳолатда тас-вирланган.

Хар икки суратга хос бўлган хусу-сиятлар асосан бош кийимда кўзга таш-ланади. Ҳукмдор бошидаги оқ рангли бош кийим соябонли қулоқни эсга со-лади. Қулоқларнинг уч қисмида фақат шохларга хос бўлган тўға ўрнатилган. Қолаверса, хар икки ҳолатда ҳам ҳукм-дорнинг энгисиз устки чакмони мовий тусда. Тасвирлардаги юз чизгилари ҳам бир-бирига жуда ўхшаш.

Агар ушбу суратларга қиёсланса, ас-Суфий жадвалидаги сурат ҳам айнан Мирзо Улуғбекка тегишли эканини тах-мин қилиш мумкин. Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданий меросини сақ-лаш, ўрганиш ва оммалаштириш бўйи-ча Бутунжаҳон жамиятининг VI-Кон-гресси доирасида мамлакатимизга ушбу асар кўлэзмасининг факсимил нусхаси тақдим этилди. Бу эндиликда турли илмий тадқиқотларга кенг йўл очиши шубҳасиз.

Рустам ЖАББОРОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Хусусан, Мирзо Улуғбек топшириғи билан битилган "Тўрт улус тарихи" аса-ри туркий халқлар тарихини ўрганиш-да, у бошчилигида расадхонадаги ку-затувлар асосида тузилган "Зижи жа-дидий Кўрагоний" асари астрономия фанида нодир манба саналади. Ушбу асарда 1018 та юлдузнинг эллиптик системадаги ўрни аниқ ҳисоб-китоб-лар асосида кўрсатиб берилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Мир-зо Улуғбек Самарқандни йирик илмий марказлардан бирига айлантириш ба-робарида ушбу масканда Қозизода Румий, Мирим Чалабий, Жамшид Коший, Гиёсиддин Жамшид, Али Қушчи син-гари олимларни жамлай олган. Мир-зо Улуғбек илмий ва бадиий адабиёт-нинг ноёб намуналарини таржима ки-лиш ва уларнинг нусхасини кўчир-тиришга ҳам катта эътибор берган. Масалан, унинг бевосита раҳбарлиги остида Абдураҳмон ибн Умар ас-Су-фийнинг (903-986) "Кўзгалмас юлдуз-лар тасвири китоби" асари нусхаси кўчирилган.

Бувайқийлар сулоласи вакили бўл-ган Адуд-уд-давла (936-983) даврида фаолият кўрсатган бу астроном олим 903 йилда ҳозирги Техрон қиридаги Рай шаҳрида туғилган. У кейинчалик Диновар, Исфохон, Бағдод шаҳарлари-га бориб илм ўрганган, илмий фаолият билан шуғулланган. Абдураҳмон ибн Умар подшоҳ Адуд-уд-давла кўрсатма-си билан Шероз шаҳрида расадхона қурилишига ҳам бош-қош бўлган. У тах-минан 986 йилда Шерозда вафот эт-ган.

Унинг энг йирик асари бўлган "Кўз-галмас юлдузлар тасвири китоби" асари 964 йилда яратилган. Ушбу асар бевосита Птолемейнинг "ал-Мажис-тий" асари асосида яратилган бўлса-да, муаллиф кейинги даврларда аст-рономия соҳиясидаги янгиликлар ва ўз илмий изланишларини шу асарда тўплаган. Птолемей жадвали ва унинг таржималаридаги хатоликларни аниқ-лаб, уларга тузатишлар киритган. У Птолемей асаридаги юлдузларнинг юнонча номларининг арабча муқобили-ни топиб ишлатган.

Маълумотларга кўра, Мирзо Улуғбек илмий фаолияти давомида ас-Суфий-



Жиноят ва жазо
ОМОНАТГА
ХИЁНАТГА
ёхуд мол-мулк можароси оқибати

Бошланчи 3-бетда

Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси-даги 58-уйнинг 2-хонадонни 72 миллион сўмга баҳоланади. Ушбу хонадон 2014 йилнинг 16 сентябрида Комилжон Мамиевнинг номига расмийлашти-рилади.

Орадан етти ой ўтгач, ака-укалар шу кўчада жойлашган яна бир хонадонни сотиб оли-шади. Уч хонали ушбу хона-доннинг нархи нотариал идо-рада тасдиқланган олди-сот-ди шартномасида 120 милли-он сўм қилиб белгиланган бўл-са-да, аслида у 34 минг АҚШ долларига баҳоланган эди. Келгусида Кенжабой Мамиев-нинг эғалигига ўтказилиши кўзда тутилган ушбу хонадон унинг хоҳишига биноан жияни Мақсудбекнинг хотини Сайё-ра Рўзиеванинг номига рас-мийлаштирилади. Олди-сот-ди жараёнида Кенжабой Ма-миевнинг ўзи ҳам иштирок этади. Кўчмас мулкларга эга бўлган Кенжабой Мамиев хо-тиржам ҳолда яна уммон орти-га қайтади.

Афсуски, орадан кўп вақт ўт-май Комилжон Мамиев, Мақ-суд Мамиев ва Сайёра Рўзи-боева Кенжабой Мамиевнинг омонатига хиёнат қилади. Улар Сайёра Рўзиеванинг номи-га расмийлаштирилган уйни

ҳақиқий эгасининг розилиғи-ни олмай туриб, 2019 йилнинг декабрь ойида 165 миллион сўмга сотиб юборишади. Бун-дан хабар топган Кенжабой Мамиев тезда Хоразмга қай-тиб келади. Аммо қариндош-лари унинг уйга эғалик ҳуқуқи-ни тан олишмайди. Улар со-тиб юборилган уйнинг пулини ўзлари тўлашганини даъво қилишади.

Шундан сўнг Кенжабой Ма-миев ўзининг бузилган ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожа-ат қилади. Унга асосан жиноят иши кўзғатилади. Тергов ва суд муҳокамаси чоғида Мақ-судбек Мамиев, унинг турмуш ўртоғи С.Рўзиевова ва бошқа-лар Кенжабой Мамиев келтир-ган далилларнинг сохта ва асо-сий эканини таъкидлашди (Улар келтирилган важлар шу қа-дар турли-туман ва бир-бири-га зидки, уларнинг тафсилоти-ни батафсил баён этишининг имкони йўқ).

Бу жараёнда кўрсатма бер-ган Кенжабой Мамиев хориж-да ишлаб топган маблағни отаси Аминбой (у 2019 йил ок-тябрь ойида вафот этган) ота-га ва у билан бирга истиқомат қилувчи жияни Мақсудбекка "Money Gram" халқаро пул ўтқа-

зиш тизими орқали жўнатиб турганини маълум қилиб, ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат-ларни тақдим этди. Қолавер-са, у 3.Мамиевга қарашли уй-ни 34 минг АҚШ долларига со-тиб олганини ва пулни шах-сан берганини таъкидлади. Ўз навбатида гувоҳ 3.Мамиев Кенжабой Мамиев рост гапир-гани, ҳақиқатан ҳам, ўзаро ке-лишилган пулни шахсан Кен-жабойнинг қўлидан санаб ол-гани, бунга умр йўлдоши Ш.Оллаёрова ҳам гувоҳ экани-ни маълум қилди.

Энг муҳими, Кенжабой Ма-миев тергов органи ва судга тақдим этган аудио ва видео ёзувларда ҳам ушбу ҳолатлар тўлиқ исботини топган.

Суд тарафларнинг кўрсат-маларини ишдаги ҳужжатлар асосида синчиклаб ўрганиб чиқди ва қонуний баҳо берди. Бу жараёнда ўзганинг пулини ўзлаштириш, талон-торож этишда айбдор ҳисобланган тарафининг важлари анча мав-ҳум ва исботсиз экани маълум бўлди. Жабрланувчи тараф-нинг далиллари ишончли бў-либ чиқди. Шу боис тергов ор-гани ва суд Кенжабой Мамиевни жабрланувчи сифатида эътироф этди. Унга тегишли катта миқдордаги маблағни ўзлаштиришда гумон қилинган

марҳум Комилжон Мамиев (у 2020 йилда вафот этган), унинг ўғли Мақсудбек Мамиев, кели-ни С.Рўзиеванинг жиноий ҳатти-ҳаракатлари амалдаги Жиноят кодексининг 167-мо-даси 3-қисми "а" бандига асосан малакаланди. Шу асо-да чиқарилган ҳукмга мувофиқ, айбдорлиги тўлиқ исботлан-ган Комилжон Мамиевга вафот этгани сабабли жазо тайин-ланмади. Мақсудбек Мамиев ва Сайёра Рўзиевова тарафи-дан амалга оширилган жино-ий қилмишга ҳам қонун тала-би асосида баҳо берилди. Уларнинг муқаддам судланма-гани, оилавий шароити каби омиллар жазони енгиллатув-чи ҳамда ғаразли қилмишлар-ни жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолашиб, тегишли жазолар тайин-ланди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жо-изки, суд муҳокамаси жараё-нида жабрланувчи Кенжабой Мамиевнинг ҳақ-хуқуқлари ҳам тикланди. Унга етказилган 165 миллион сўмлик моддий зиён-ни қоплаш мажбурияти Мақ-судбек Мамиев ва Сайёра Рў-зиевонинг зиммасига юкла-тилди. Айни пайтда Урганч шаҳри, Хонқа кўчасидаги 58-уйнинг 2-хонадонни аслида К.Мамиевга тегишли экани

қайд қилинди. Уй жабрла-нувчига қайтарилди.

Хайриятки, шундан сўнгги-на Мақсудбек Мамиев ва унинг яқинлари суднинг ҳукмидан тегишли хулоса чиқаришди. Жабрланувчи К.Мамиевга 165 миллион сўм пул қайтариб бе-рилди. Апелляция инстанция-си судида бу ҳолат инobatта олинди ва судланувчиларга тайинланган жазо турлари ўз-гарттирилди. Мақсудбек Ма-миев 2 йил, Сайёра Рўзиево-ва эса 1 йилу 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди. М.Мамиев суд зали-дан озодликка чиқди. Фирром "ўйин" — яқин қариндошлар-нинг ўз жигарига қилган хиёнатини ана шу тарзда яқун топди.

Бу ҳаётда ҳамма нарсани топиш мумкин. Бироқ қарин-дош-уруғ, ака-ука, опа-сингил-ларни топиш мушкул. Бундай мустаҳкам инсоний ришталар-ни узиш эса, янада оғир оқи-батларга олиб келиши тайин. Пул, мол-давлатни инсоний-лик ва қариндошлик туйғула-ридан устун қўйганлар ҳар доим адашишган. Зеро, омо-натга хиёнатнинг охири ҳам-иша ачинарлидир.

Руслан БОБОЖОНОВ, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди судьяси

Ғизикарли фактлар

Икки қуруқлик ўртасидаги чегарани сира қийналмай, олла-осон белгилаш мумкин. Аммо сувга-чи? Бу савогага дафъатан "имконсиз" дея жавоб беришга шошмаган маъқул. Чунки ер юзига шундай ажабтовур жойлар борки, уларда икки сув ҳавзаси ҳеч бир тўсиқсиз учрашади, аммо сувлари бир-бири билан сира аралашиб кетмайди. Куйида шу ҳақида ҳикоя қиламиз.



Икки денгиз учрашуви... Даниянинг Скаген шаҳри атрофида Шимолий ва Болтик денгизи бир-бири билан туташади. Қизғиш шундаки, икки денгиз суви ҳеч қачон бир-бири билан қоришиб кетмайди. Олимларнинг фикрича, бунга икки денгиз сувининг турли зичликка эғалиги асосий сабабдир.

Уммонга бош урган денгиз Гибралтар бўғозида Ўрта ер денгизи ва Атлантика океани тўлқинлари учрашади. Лекин турли сув ҳавзаларининг тўлқинлари турли хил зичлик ва шўрлик даражасига эғалиги туфайли бир-бири билан қўшилиб кетмайди.

Кариб денгизи ва Атлантика океани чегараси Антил ороллари бўйида Кариб денгизи ва Атлантика океани суви оралиғидаги чегарани яққол кўриш мумкин. Бундан ташқари Баҳама ороллари чегара бўлиб турган ҳудудда ҳам Кариб денгизи (ҳаворанг сув) ва Атлантика океани (кўк рангли сув) орасидаги фарқ яққол кўзга ташланади.

Уммонга қўшилмайдиган дарё Барча уммонлар ва денгизларнинг суви шўр, дарёларнинг суви эса, чучук ҳисобланади. Катта дарёлар оқиб бориб су-вини денгизларга, уммонларга қуяди. Аммо бу билан ден-гиз суви чучук, дарё суви эса, шўр бўлиб қолмайди. Бу ҳол Атлантика океани ва Жанубий Америкадаги Суринам дарё-си ўртасида кузатилади.

Амазонканинг бир-бирига "бегона" икки ўзани Дунёдаги энг сервус дарё бўлган Амазонканинг икки ўзани — Риу-Негру ва Солимоинс Бразилиядан 6 километр нари-роқда қўшилиб, 4 километргача бўлган масофада бирга оқ-са-да, аралашиб кетмайди.

Икки ўзанининг оқиб тезлиги ва ҳарорати турлича бўлгани боис уларнинг кўриниши ҳам фарқланади. Солимоинс ўзани оч рангда, 4-6 километр/соат тезликда ҳаракатланади, сув ҳаро-рати 22 Цельсий даража. Риу-Негрунинг ранги тўқ ва хира, 2 километр/соат тезликда ҳаракатланади, сувининг ҳарорати 28 даража атрофида.

Аралашмайдиган дарёлар Германиянинг икки асим дарёси — Мозел ва Рейн Коб-ленц шаҳрида тўқнашади. Рейн очроқ, Мозел тўқроқ тусда бўлса-да, уларнинг суви аралашиб кетмайди.

Уч дарё бирлашуви Германиянинг Пассау шаҳрида Илц, Дунай ва Инн сув ҳав-залари учрашади. Хайратланарлики шундаки, уларнинг суви бир-биридан узокроқ масофада аралашмай туради.

Сариққа ошuftалик... Цзялин дарёси 119 километр узунликка эга бўлиб, Чунцин шаҳрига келганда ўзининг тоза сувларини Янцзи дарёси-нинг сарғимтир тусли ҳавзасига қуяди. Аммо "сарик дарё" буни ҳушламагани сабабли улар суви қўшилмайди.

Яшил ва қизқиш дарёлар АҚШнинг Юта штати, Канбонлендс паркида Грин ва Колора-до дарёлари бирлашади. Гриннинг яшил сувлари ва Колора-донинг қизқиш тўлқинлари орасидаги фарқ яққол кўзга ташла-нади. Сув оқимлари турли тоғ инсларини ювиб келгани учун ҳам шундай тусга кирган.



Чуя ва Катун Олтой ўлкаси ҳудудида Чуя ва Катун дарёларининг ажабто-вур "қўшничилиги"ни кузатиш мумкин. Чуя кўрғошин тусдаги куюқ сувдан иборат. Катун дарёси суви эса, тоза ва фируза-ранг. Икки дарё бирлашиб, ягона, аммо ранги ўртадан чизик тортилгандек икки хил бўлган оқимни ҳосил қилади.

Кўриниб турганидек, турли сув манбаларининг бир-бирига қўшилиб кетмаслиги айни ҳақиқат. Мутахассис-тадқиқотчилар бу борада бир қатор илмий асос ва тахминларни илгари су-ришган бўлса-да, бироқ улар тугал хулоса сифатида қабул қи-линмаган. Кимдир буни оддий табиат қонунияти ўлароқ баҳо-ласа, бошқалар муқаддас Қуръони каримдаги "Дарё-ю ден-гизларни бир-бири билан учрашадиган қилиб қўйди. Уртала-ридаги тўсиқдан ошиб ўтолмаслар. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлгон дея олурсиз?!" ("Ар Роҳман" сураси, 19-21-оятлар), "У икки денгизни — буниси чучук-ширин, униси шўр-аччиқ қилиб оқизиб қўйган ва ораларига кўринмас тўсиқ ҳамда очилмас сарҳад қилган Зотдир" ("Фурқон" сураси, 53-оят) деган далилларга таянган ҳолда илоҳий мўъжиза деб ҳисоб-лайди.

"Сирли дунё" деганлари шу бўлса керак-да... Интернет материаллари асосида Тоҳир ИСМОИЛЛОВ тайёрлади.

Куч — адолатда
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ
Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигидан 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икром МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ,
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 4464
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21³⁰. Топширилди: 22³⁰.